



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «29» июль

№ПК-5202

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг
2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар
ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус
резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида**

БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус резолюциясида белгиланган устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик ва гуманитар инқизоз юз бераётган ҳудуддан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус резолюцияси (кейинги ўринларда – маҳсус резолюция) қабул қилинган.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг маҳсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш мақсадида қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Оролбўйи минтақасида сиёсий-ҳуқуқий инновациялар орқали таркибий ва трансформацион ўзгаришлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда институционал базани ривожлантириш (масъул – Инновацион ривожланиш вазирлиги).

Инновацион ривожланиш вазири **И.Абдурахмонов:**

Нукус шаҳрида “Ёш олимлар академияси”ни ҳамда ёш олимлар, стартап лойиҳалар эгалари, тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича **Ёшлар технопаркини ташкил этсин;**

Оролбўйи халқаро инновация маркази ҳузурида **ўсимликлар уруғлари генбанки** билан таъминланган лаборатория, бизнес-акселератор ўқув маркази очилишини таъминласин;

б) Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини рақамлаштириш ва инновацион ёндашувларни амалга ошириш (масъул – Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси).

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси **А.Максудов:**

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларининг электрон хариталаш ва маълумотлар базаси яратилишини;

чиқиндиларни қайта ишлаш, полигонларни рекультивация қилиш ва экологик тоза энергия ишлаб чиқарилишини таъминласин;

в) Оролбўйи минтақасида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини қўллаб-қувватлашнинг инновацион технологиялари ҳамда механизмларини жорий қилиш (масъул – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги).

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари **И.Норқулов:**

шахсларнинг юзи бўйича аниқлаш технологиясини жорий этишни;

қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб автоном ичимлик шўр сувни тузсизлантириш технологиясини ишлаб чиқишини таъминласин;

г) Оролбўйи минтақасида иқтисодий ва молиявий инновацион механизмлардан кенг фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида ресурсларни тежовчи, “яшил” ва циркуляр (чиқиндисиз, регенератив ва самарали) замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш (масъул – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги).

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринbosари **А.Воитов:**

Қорақалпоғистон Республикасида **2,5 минг гектар** майдонда пахта, ғалла, кунжут, маккажүхори ва чорва озуқаси әқинларини суғоришда **ёмғирлатиб суғориш тизимини** жорий этсин;

синов лабораторияларини модернизация қилсін (озиқ-овқат, қишлоқ хұжалиги, электротехника, енгіл саноат) ҳамда намуналарни лабораторияга етказиш бүйича логистика хизматини йўлга қўйисин;

д) Оролбўйи минтақасида илм-фанны ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, интеллектуал мулк объектларининг яратилиши ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни жорий қилишда маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш (масъул – Инновацион ривожланиш вазирлиги);

Инновацион ривожланиш вазири **И.Абдурахмонов:**

Қорақалпоғистон экологик харитасини яратиш ва шу асосида экотуризмни самарали ташкил этиш механизмини ишлаб чиқсин;

шўрланган тупроқлар балл бонитетини аниқлаш мақсадида олий таълим муассасалараро комплекс биокимёвий таҳлил марказини ташкил этсин;

е) маҳсус резолюция ва мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш (масъул – Ташқи ишлар вазирлиги).

Ташқи ишлар вазириning ўринбосари **F.Фозилов:**

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасига ресурсларни мобилизация қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашсин;

Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалалар тўғрисида видеороликлар ишлаб чиқсин ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда жойлаштиrsин;

ж) Оролбўйи минтақасида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ва мувофиқлаштириш (масъул – Молия вазирлиги).

Молия вазири **T.Ишметов:**

Давлат бюджетининг 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун тасдиқланадиган харажатлар параметрларида мазкур қарор билан тасдиқланаётган “Йўл харитаси” ва инновацион лойиҳалар рўйхатида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Тошкент шаҳридаги йирик тадбиркорлик субъектларига Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатсин.

3. Қўйидагилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича устувор инновацион лойиҳалар рўйхати (кейинги ўринларда – инновацион лойиҳалар) 2-иловага мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус резолюциясини амалга ошириш бўйича Идоралараро комиссия таркиби (кейинги ўринларда – Идоралараро комиссия) 3-иловага мувофиқ;

“Йўл харитаси” ва инновацион лойиҳаларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириш учун идоралараро ишчи гуруҳлари (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳлари) таркиблари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Қўйидагилар Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мазкур қарор ҳамда маҳсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижросининг амалга оширилишини ташкил қилиш, масъул ижрочиларнинг ҳисоботларини эшлиш ва муҳокама қилиш;

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини мазкур қарор ҳамда маҳсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ижросини амалга ошириш учун жалб қилишда кўмаклашиш;

мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда натижалари тўғрисида жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилик хабардорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш;

ишчи гурухлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, уларнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботларини ҳар чоракда эшитиб бориш ва улар олдидаги аниқ вазифаларни белгилаш.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида амалий кўмак берсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (Ғ.Фозилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов, Б.Абидов), Оролбўйи халқаро инновация маркази (Н.Мирзамуратов) 2021 йил ноябрь ойида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш масалаларига бағишлиланган халқаро конференцияни ташкил қилиш ва ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) Ташқи ишлар вазирлиги (Ғ.Фозилов) ва Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда:

вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариiga ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда кўмаклашсин;

икки ой муддатда “Оролбўйи минтақаси – экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” концепцияси ҳамда “Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича кўп томонлама “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Олий Мажлис палаталарига мазкур қарор ҳамда махсус резолюция доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида таъсирчан ва мунтазам парламент назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда унинг доирасида эришилган натижаларнинг доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири **И.Абдурахмонов**, молия вазири **Т.Ишметов**, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси **А.Максудов**, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринbosари **А.Воитов**, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари **И.Норқулов**, ташқи ишлар вазирининг ўринbosари **Ғ.Фозилов** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси **Қ.Сариеv** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринbosари **С.У. Умурзаков** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бераборилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида
“Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги
максус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш
“Йўл харитаси”**

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Оролбўйи минтақасида сиёсий-ҳуқуқий инновациялар орқали таркибий ва трансформацион ўзгаришлар учун қўлай муҳит яратиш ҳамда институционал базани ривожлантириш Масъул: 1-чи ишчи гурӯҳ (Абдурахмонов И.Ю.)						
1.	Нўкус шаҳрида “Ёш олимлар академияси”ни ташкил қилиш.	<ol style="list-style-type: none">Академия фаолиятини ташкил қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.Академияни жойлаштириш бўйича тегишли бино ва иншоотлар ажратиш.Академияга ажратилган бинони таъмирлаш ва реконструкция қилиш, моддий-техник базасини шакллантириш.Академия фаолиятини йўлга қўйиш.	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил октябрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил май</p>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев)
2.	Нўкус шаҳрида ёш олимлар, стартап лойиҳалар эгалари, тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ёшлар технопарки фаолиятини йўлга қўйиш.	<ol style="list-style-type: none">Ёшлар технопарки фаолиятини ташкил этиш учун маблағларнинг ажратилишини таъминлаш.Ёшлар технопаркини ташкил қилиш ишларини олиб бориш.Ёшлар технопарки моддий-техник базасини шакллантириш.Ёшлар технопарки фаолиятини йўлга қўйиш.	<p>2021 йил октябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
3.	Нұкса тұманида Оролбүйін халқаро инновация марказы қошида ўсимвиклар үргефлари генбанки билан таъминланған лаборатория, бизнес-акселератор үқұв маркази ва технопарк ташкил қилиш.	<p>1. Лаборатория биноси қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланған маблағларнинг ажратилишини таъминлаш.</p> <p>2. Оролбүйін халқаро инновация марказининг лаборатория биносини қуриш.</p> <p>3. Бизнес-акселератор үқұв маркази фаолиятимиң үйлігін күйиш ва лаборатория биносига жойлаштириш.</p> <p>4. Бизнес-акселератор үқұв маркази ва инновация маркази лабораториясынинг моддий-техник базасини шакллантириш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Давлат бюджети маблағлари	Оролбүйін халқаро инновация маркази (Н.Мирзамуратов)
4.	Нұкса тұманида “Ақыллы қишлоқ” (Smart village) концепцияси асосида янги замонавий тұrap жойлар комплексини қуриш.	<p>1. “Ақыллы қишлоқ” (Smart village) янги замонавий тұrap жойлар комплексини қуриш бүйічә концепция ишлаб чиқыш ва ер майдони ажратиш бүйічә таклифларини белгиланған тартибда күриб чиқыш.</p> <p>2. “Ақыллы қишлоқ” (Smart village) янги замонавий тұrap жойлар комплексини қуриш учун қурилиш ишлари ҳужжатларини расмийлаштириш.</p> <p>3. “Ақыллы қишлоқ” (Smart village) тұrap жойлар комплексини қуриш ишларини амалга ошириш.</p> <p>4. Концепцияни Қарақалпоғистон Республикасынинг бошқа туманларига жорий этиш бүйічә чора-тадбирлар ишлаб чиқыш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил давомида</p> <p>2023 йил давомида</p>	100 млрд сүм	Ташаббускор тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы (Қ.Сариеев), Нұкса тұмани ҳокимлиги, ташаббускор тадбиркорлик субъектлари

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
5.	Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда илмий-тажриба участкаси ва экофизиологик тадқиқотлар лабораторияси фаолиятини йўлга қўйиш.	<p>1. Илмий-тажриба участкаси ва экофизиологик тадқиқотлар лабораторияси ташкил этиладиган майдонларни аниқлаш.</p> <p>2. Экофизиологик тадқиқотлар лабораториясини ташкил қилиш.</p> <p>3. Илмий-тажриба участкасида чўлга ва шўрга чидамли ўсимликларнинг климатик ва гидрологик шароитларга мослашиш механизмларини ҳамда фауна мажмуасининг табиий мұхит ўзгаришларига мослашиш механизмларини тадқиқ этиш ва экофизиологик тадқиқотлар лабораториясини жиҳозлаш.</p> <p>4. Илмий-тажриба участкаси ва экофизиологик тадқиқотлар лабораторияси фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил октябрь</p>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv), Фанлар академияси (Б.Юлдашев)
6.	Мўйноқ туманида "My garden in the Aral sea" чўлга ва қурғоқчиликка чидамли декоратив ўсимликлар боғини кенгайтириш.	<p>1. Лойиҳани молиялаштириш бўйича хорижий донорлар манбаларини жалб қилиш.</p> <p>2. Ўсимликлар боғи ҳудудини кенгайтириш.</p> <p>3. Лойиҳа тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.</p>	2021–2022 йиллар давомида	574 млн сўм	Оролбўйи халқаро инновация маркази (Н.Мирзамуратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Элликқалъа Ботаника боғи	Оролбўйи халқаро инновация маркази (Н.Мирзамуратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Элликқалъа Ботаника боғи
7.	Қорақалпоғистон Республикаси инновацион агрокизматлар марказини	1. Марказ учун бинони ажратиш.	2021 йил сентябрь	1,5 млн долл.	Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев),

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	ташкил этиш.	<p>2. Марказга ажратилған бинони таъмирлаш ва реконструкция қилиш бүйіча лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдоларини ўтказиш.</p> <p>3. Марказ биносини (қуриш) таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш.</p> <p>4. Марказ фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил ноябрь</p>		институтлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеев)
8.	“Оролбўйи – экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” концепциясини ҳамда “Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш кўптомонлама “Йўл харитасини” ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун киритиш.	<p>1. Оролбўйи минтақасидаги асосий ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммолар ва уларни юмшатиш бўйича мақсадли кўрсаткичларни шакллантириш.</p> <p>2. Концепция ва “Йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш.</p> <p>3. Концепция ва “Йўл харитаси” лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил август–сентябрь</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	Маблағ талаб этилмайди	Маблағ талаб этилмайди	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов, Б.Абидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), вазирлик ва идоралар
9.	Қишки спорт турларини ривожлантириш учун муз саройини барпо қилиш.	<p>1. Сунъий муз иншоотини барпо қилиш ҳудудини аниқлаш.</p> <p>2. Иншоотни барпо этиш учун зарур ускуналарни етказиш.</p> <p>3. Спорт иншоотини қуриш ва ускуналарни монтаж қилиш ишларини амалга ошириш.</p> <p>4. Спорт иншоотини фойдаланишга топшириш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>2021 йил октябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил январь</p>	50 млрд сўм	Ташаббускор тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеев), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали, Нукус шаҳар ҳокимияти

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
II. Оролбўйи миintaқасида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рақамлаштириш ва инновацион ёндашувларини амалга ошириш						
		Масъул: 2-чи ишчи гурӯҳ (Максудов А.И.)				
10.	Оролбўйи ҳудудида метеорологик кузатишлар ва атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш тизимини автоматлаштириш.	<p>1. Мўйноқ ва Тахтакўпир туманларида метеорологик кузатишларни, шунингдек, атмосфера ҳавоси сифатини автоматик равишда аниқлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Лойиҳани молиялаштириш бўйича иқлим ўзгариш жамғармалари грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Лойиҳани молиялаштириш бўйича битимни имзолаш.</p> <p>4. Лойиҳани амалга оширишни бошлаш ва автоматлаштирилган мониторинг тизимларини ўрнатиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>Келишув асосида</p>	<p>1 млн долл.</p>	Халқаро молия институтлари ва донорлар маблағлари	“Ўзгидромет” маркази (Ш.Хабибуллаев), Ташқи ишлар вазирлиги (F.Фозилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (A.Воитов, Б.Абидов)
11.	Чиқиндиларни қайта ишлаш (маиший чиқиндилар, қизилмия илдизи чиқиндилари) ва экологик тоза энергия ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш.	<p>1. Техник-иқтисодий асослар лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Корхонани жойлаштириш учун ер майдони таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.</p> <p>3. Қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш.</p> <p>4. Корхона фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил октябрь</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил сентябрь</p>	3 млн долл.	Жанубий Корея компаниясининг 100% тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари	Давлат экология қўмитаси (А.Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (A.Воитов, Б.Абидов), Ташқи ишлар вазирлиги (F.Фозилов)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
12.	Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд майший ва қурилиш чиқиндилари полигонларини рекультивация қилиш ҳамда янгиларини ташкил этиш.	<p>1. Техник-иктисодий асослар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритиш.</p> <p>3. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>4. Лойиҳани молиялаштириш ва амалга ошириш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил апрель</p> <p>Келишилган муддатларда</p>	<p>Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида</p>	<p>Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредит маблағлари</p>	<p>Давлат экология қўмитаси (А.Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Саруев), тегишли вазирлик ва идоралар</p>
13.	Цемент ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг атмосфера ҳавосига ташламаларини мониторингининг автоматлашган тизимини жорий қилиш.	<p>1. Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ифлослантириш манбаларидан намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар ўрнатиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Корхоналарни намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси мониторингини олиб бориш учун масофадан узатиш қурилмалари билан жиҳозлаш.</p> <p>3. “Қорақалпоқцемент” МЧЖ ҚҚ томонидан 1 та (битта), “Титан цемент” МЧЖ ҚҚ томонидан 1 та автоматик станция ўрнатилиши.</p>	<p>2021 йил октябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил апрель</p>	<p>8,5 млрд сўм</p>	<p>“Қорақалпоқцемент” МЧЖ ҚҚ ва “Титан” МЧЖ ҚҚнинг бошқарув органи қарорлари асосида ўз маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Давлат экология қўмитаси (А.Максудов), “Қорақалпоқцемент” МЧЖ ҚҚ, “Титан цемент” МЧЖ ҚҚ</p>
14.	Оролбўйида ер ости сув мониторингини инновацион технологиялар асосида босқичма-босқич рақамлаштириш.	<p>1. Ер ости сувлари сатҳини масофадан автоматик тарзда ўлчаш ускуналарини танлаш.</p> <p>2. Ер ости сув мониторингининг 30 та таянч пунктларини ажратиб олиш.</p> <p>3. Ускуналарни таянч пунктларига ўрнатиш ва жорий этиш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p>	<p>320 млн сўм</p>	<p>Давлат геология қўмитаси дастури доирасидаги маблағлар</p>	<p>“Ўзбекгидро-геология” ДК</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
15.	Оролбўйи минтақасида чуқур артезиан қудуқлар бурғилаш орқали қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг сув таъминотини яхшилаш ва ривожлантириш.	<p>1. Туманлар ҳокимликлари билан биргалиқда ер ости сувлари ҳисобига фойдаланишга киритилиши мумкин бўлган майдонларни аниқлаш.</p> <p>2. Аниқланган майдонларда чуқурлиги 500-650 м бўлган жами 11 та гидрогеологик қудуқларни қазиш.</p> <p>3. Қазилган қудуқлар бўйича ер ости сув захираларини баҳолаш.</p> <p>4. Қудуқларни фойдаланишга топшириш.</p>	2021–2022 йилларда	5 млрд сўм	Давлат геология қўмитаси дастури доирасидаги маблағлар	“Ўзбекгидро-геология” ДК
16.	Мўйноқ туманидаги кўллар ва сув омборларининг экологик ҳолатини ўрганиш ва уни барқарорлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Мўйноқ туманидаги кўлларнинг гидрологик, гидравлик характеристикаларини ўрганиш ва дала шароитида ўлчов таҳлилларини ўтказиш.</p> <p>2. Кўлларни экологик ҳолатини барқарорлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>2021 йил октябрь</p> <p>2021 йил декабрь (келгусида белгиланган муддатларда)</p>	600 млн сўм	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали, Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Хамраев), “Ўзгидромет” маркази (Ш.Хабибуллаев)
17.	Қорақалпоғистон Республикасида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини электрон хариталаш ва маълумотлар базасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида хатловини ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижалари асосида электрон хариталаш ва маълумотлар базасини шакллантириш.</p> <p>3. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг электрон маълумотлар базаси дастурий иловасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил август</p>	800 млн сўм	Экология, атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари	Давлат экология қўмитаси (А.Максудов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Кадастр агентлиги (Ф.Умаров), Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
18.	Оролнинг қуриган тубида 100 минг гектар ҳудудда инновацион ёндашувлар асосида ўрмонзорлар барпо этиш.	1. Экиш учун уруғ ва кўчатлар базасини тайёрлаш. 2. Оролнинг қуриган қисмида экиш ишларини ташкил қилиш.	2021–2023 йилларда	25 млрд сўм	Давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев), Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси
19.	Оролбўйи ҳудудида 250 гектар майдонда ноанъянавий навдаги доривор ўсимликлардан годжи, лаванда ва наъматак ўсимликларининг плантациясини ташкил этиш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжаликларида жами 250 гектар майдонда доривор годжи, лаванда ва наъматак ўсимликлари кўчатларини етиштириш ва плантациясини барпо этиш. 2. Етиштирилган доривор ўсимликларни қайта ишловчи корхоналарга етказиб бериш.	2022 йил апрель 2023 йил март	8,3 млрд сўм	Ўз маблағлари, ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси
20.	Сувни тозалаш ва деминерализациялаш инновацион ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	1. Сув билан таъминланмаган ёки сифатсиз сув билан таъминланган узоқ масофада жойлашган аҳоли пунктларини манзилли рўйхатини шакллантириш. 2. Ҳудудларда сув сифати ва уни тозалаш ҳамда деминерализациялаш техник талабларини ишлаб чиқиш. 3. Техник талаблар асосида ҳудудларда энергия тежовчи технологиялар асосида сув тозалаш ва деминерализациялаш ускуналарини ишлаб чиқариш.	2021 йил август 2021 йил декабрь 2022 йил август	600 минг долл.	Ташаббускор тадбиркорлик субъектлари маблағлари, хорижий инвесторлар маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев), ташаббускор тадбиркорлик субъектлари
21.	Оролбўйи миллий табиат боғи бошқарувига инновацион ёндашувларни жорий этишда миңтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Марказий Осиёда иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ердан комплекс фойдаланиш лойиҳаси доирасида амалга ошириш.	2023 йил декабрь	6 млн евро	Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг “Марказий	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Бакиров)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
					Осиёда иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ердан комплекс фойдаланиш” лойиҳаси маблағлари	
III. Оролбўйи миңтақасида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини қўллаб-қувватлашнинг инновацион технологиялари ҳамда механизмларини жорий қилиш						
Масъул: 3-чи кичик ишчи гурӯҳ (Норқулов И.И.)						
22.	Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги жами 74 та умумтаълим мактабларида замонавий ўқув компьютер синхоналарини ташкил этиш.	Ишлаб чиқилган манзилли рўйхатга асосан 74 та умумтаълим мактабларини замонавий ўқув компьютер қурилмалари билан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.	2021 йил давомида	6,72 млрд сўм	Жанубий Корея “Эксимбанки” маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов, Б.Абидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv)
23.	Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида юрак қон-томир, стоматологик, ўткир ичак, ўпка, онкологик касалликларни профилактика қилиш ва камайтириш ва камайтириш.	Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида юрак қон-томир, стоматологик, ўткир ичак, ўпка, онкологик касалликларни профилактика қилиш ва камайтириш бўйича аниқ манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил октябрь	-	Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
24.	Минтақада халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.	1. ISO 14001:2018. Экологик менежмент тизими халқаро стандарти бўйича малака ошириш ўқув режасини ишлаб чиқиш. 2. Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш.	2021 йил август 2021 йил сентябрь–декабрь	Маблағ талаб этилмайди	Маблағ талаб этилмайди	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибига солиш агентлиги (Д.Самтаров), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов), Стандартлар институти, Қорақалпоқ давлат университети
25.	Қорақалпоғистон Республикасида марказлаштирилган лаборатория хизмати обьектларининг инновацион, юқори технологик комплексини барпо қилиш, жиҳозлаш, техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш, шунингдек, логистика хизматини яратиш ва лаборатория хизматларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Тендер савдоларини ўtkазиш ва натижаларини эълон қилиш.	2021 йил октябрь 2022 йил октябрь	8,5 млн долл.	Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерик маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv)
26.	Шахсларнинг юзи бўйича аниқлаш технологиясини жорий этиш.	1. Биометрик терминалларни харид қилиш бўйича техник шартлар ишлаб чиқиш ва тендер танловини ўтказиш. 2. Шифохоналарда, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда (стадионларда, театрларда ва ҳоказо), ва йирик давлат муассасаларида биометрик терминалларни ўрнатиш.	2021 йил октябрь 2022–2023 йилларда (босқичмабосқич)	500 млн сўм	Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари (тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно)	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеv), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), вазирлик, идора ва ташкилотлар

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
27.	Оролбўйи турли географик минтақаларида қум бўронлари ва гармсел шамолларга қарши яшил оазислар яратишда сувсизлик ва қурғоқчиликка бардошли дараҳт-бута турларини жорий этиш.	1. Яшил оазислар яратишда минтақа иқлим-тупроқ шароитларига мос дараҳт-бута турларини танлаш. 2. Дараҳт-бута турларини интенсив кўпайтириш тадқиқотларини ўтказиш. 3. Сувсизлик ва қурғоқчиликка бардошли дараҳт-бута турларини танлаш, интродукция қилиш ва кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.	2021 йил ноябрь 2022 йил октябрь 2023 йил июнь	800 млн сўм	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Бакиров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)
28.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини “Логистик дастурий восита” ёрдамида логистика маркази орқали туманлараро етказиб бериш тизимини жорий қилиш.	1. “Логистик дастурий восита” тизимини жорий қилиш техник шартларини ишлаб чиқиш. 2. Мобиљ логистик дастурий восита ва булуғли технология ишлаб чиқиш. 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чакана ва улгуржи савдоларини ташкиллаштиришда ҳамда уларни ўз вақтида мижозларга етиштириб беришда “Логистик дастурий восита” тизимини йўлга қўйиш.	2021 йил сентябрь 2021 йил декабрь 2022 йил январь	500 млн сўм	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бюджетдан ташқари маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали
29.	Ичимлик ва оқова сувларни тозалаш учун автоматик станциялар ишлаб чиқиши ташкил этиш.	1. Ичимлик сувини туз, қум ва турли қўйқалардан тозалашга ихтисослашган модуллар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш. 2. Саноат оқова сувларини канализация тармоқларига оқизишининг локал тозалаш ускуналарини ишлаб чиқиш.	2023 йил январь 2023 йил сентябрь	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Ташаббускор тадбиркорлик субъектлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi (Қ.Сариеев), ташаббускор тадбиркорлик субъектлари
30.	Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ва туризмни ривожлантириш	1. Қораўзак, Бозату, Элликқалъя ва Қўнғирот туманларининг ҳар бирида 1 тадан объектни танлаб олиш.	2021 йил октябрь	1,5 млрд сўм	Давлат геология қўмитаси дастури доирасидаги	“Ўзбекгидро-геология” ДК

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	учун чуқур құдуқлар қазиб артезиан сув чиқариш.	2. Танланған объектларнинг ҳар бирида 1 тадан чуқурлиги 100-700 м бўлган 4 та құдуқ қазиш. 3. Құдуқлар бўйича ер ости сув захираларини баҳолаш. 4. Құдуқларни фойдаланишга топшириш.			маблағлар	
31.	Қорақалпоғистон Республикасида автомобилларга ёқилғи қўйиш ва электромобилларни қувватлантириш ҳамда уларга сервис хизматларини кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш.	1. Автомобилларга ёқилғи қўйиш ва электромобилларни қувватлантириш тармоғи ҳамда уларга сервис хизматларини кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш учун ер майдони ажратиш бўйича таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш. 2. Ушбу лойиҳага кредит маблағлари ажратилишини кўриб чиқиш. 3. Қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш, зарур үскуналар билан таъминлаш. 4. Шохобчаларни ишга тушириш.	2021 йил сентябрь 2021 йил декабрь 2022 йил апрель 2022 йил июнь	20 млрд сўм	Ташаббускор тадбиркорлик субъектлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев), ташаббускор тадбиркорлик субъектлари
32.	Фойдаланилган автомобиль шиналари чиқиндиларини қайта ишлаш ва резина плиткалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.	1. Қорақалпоғистон Республикасида резина плиткаларга эҳтиёжни ўрганиш. 2. Резина плиткалар ишлаб чиқариш учун чет давлатлардан зарур үскуналар олиб келиш. 3. Лойиҳани амалга ошириш учун мутахассис ва ишчи ходимларни жалб қилиш. 4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва шартнома асосида замонавий болалар ва спорт майдончалари яратиш.	2021 йил сентябрь 2021 йил ноябрь 2021 йил ноябрь 2021 йил декабрь	2 млрд сўм	Ташаббускор тадбиркорлик субъектлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), ташаббускор тадбиркорлик субъектлари

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
33.	“Бизнинг болаларимиз – бизнинг келажагимиз” чоксиз шикастланишларга қарши қоплама ишлаб чиқишни ташкил қилиш.	<p>1. Қорақалпоғистон Республикасида чоксиз шикастланишларга қарши қопламага эҳтиёжини ўрганиш.</p> <p>2. Қоплама ишлаб чиқариш учун чет давлатлардан зарур ускуналар олиб келиш.</p> <p>3. Лойиҳани амалга ошириш учун мутахассис ва ишчи ходимларни жалб қилиш.</p> <p>4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва шартнома асосида замонавий болалар ва спорт майдончалари яратиш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>2022 йил январь</p>	870 млн сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали, Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов)
34.	Оролбўйи минтақасида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб автоном ичимлик шўр сувни тузсизлантириш технологиясини чиқиш.	<p>1. Ичимлик суви ва электр энергияси танқис бўлган ҳудудлар бўйича маълумотлар тўплаш ва илмий таҳлил қилиш.</p> <p>2. Мавжуд технологияларга ҳудуд шароитидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш ва шўр сувни чучуклаштирувчи янги технологик усул ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Технологик усулларнинг энергия истеъмолига бўлган талаблари асосида қайта тикланувчи гибрид энергия таъминоти манбаларини жорий қилиш.</p>	<p>2021 йил октябрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил июль</p>	600 млн сўм	“Қорақалпоқ сув таъминоти” МЧЖ бошқарув органи тегишли қарори асосида ўз маблағлари	Қорақалпоқ давлат университети, “Қорақалпоқ сув таъминоти” МЧЖ
35.	Плазмаферез учун инновацион хом ашёлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	<p>1. “Нукус Фарм” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида завод ташкил этиш лойиҳасининг техник-иктисодий асосини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқариш линияси қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил октябрь</p>	4 млн долл.	Тижорат банклари кредитлари, хорижий инвесторлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Қурилиш монтаж ишларини олиб бориш. 4. Ишлаб чиқариш линиясини зарур асбоб үскуналар билан жиҳозлаш. 5. Лойиҳани ишга тушириш. 6. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилиш.	2021 йил ноябрь 2022 йил февраль 2022 йил июнь 2022 йил декабрь			(A.Воитов, Б.Абидов), Ташқи ишлар вазирлиги (F.Фозилов)
36.	Сўриладиган ва сўрилмайдиган иплар ассортиментида жарроҳлик, стерил, чок материалларини ишлаб чиқариш қувватини ташкил этиш.	1. Лойиҳанинг техник-иктисодий асосини ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқариш линияси қурилиши учун ер майдони таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш. 3. Қарз маблағлари ва хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш. 4. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш. 5. Ишлаб чиқариш линиясини зарур асбоб-үскуналар билан жиҳозлаш. 6. Лойиҳани ишга тушириш.	2021 йил сентябрь 2021 йил октябрь 2021 йил ноябрь 2022 йил февраль 2022 йил июнь 2022 йил декабрь	3,5 млн долл.	Тижорат банклари кредитлари, хорижий инвесторлар маблағлари	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариеев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (A.Воитов, Б.Абидов), Ташқи ишлар вазирлиги (F.Фозилов)
IV. Оролбўйи минтақасида иқтисодий ва молиявий инновацион механизмлардан кенг фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида ресурсларни тежовчи, “яшил” ва циркуляр (чиқиндисиз, регенератив ва самарали) замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш						
		Масъул: 4-чи кичик ишчи гурӯҳ (Воитов А.Б.)				
37.	Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурс тежамкор ва самарали технологияларни жорий этиш.	1. Қорақалпогистоннинг агроиклим шароитида пахта етиштиришга мўлжалланган комбинациялашган сеялка-культиваторни жорий қилиш.	2022 йил сентябрь	10 млрд сўм	Қишлоқ хўжалиги кластерлари маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), “Ўзагросаноатмашхолдинг” компанияси, “Тошкент қишлоқ

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Қиймати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
